

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

11 сентябрь, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 190 (1707)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

Нукус шаҳрида қорақалпоқ халқ достони - «Қирқиз» ва туркийзабон халқларнинг оғзаки ижодини ўрганиш мақсадида ташкилланган халқаро илмий-назарий анжуман очилди. Уч кун давом этадиган мазкур йилнинг ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимига қарашли Н. Довқораев номидаги тил ва адабиёт институти ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унда 18 та хорижий давлат вакиллари иштирок этишмоқда.

Анжуманнинг очилиш маросимида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ҳолид Малик, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов ва бошқалар сўзга чиқди. Конференция дастуридан иштирокчиларнинг турли мавзулардаги қизиқарли маърузалари, умумий ва шўъба мажлислари, шунингдек, Қорақалпоғистондаги бир қатор музейлар ва тарихий ёдгорликлар ҳамда кишилар ҳаёти билан яқиндан танишув каби хилма-хил тадбирлар ўрин олган.

Х. АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирлиқларининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асарини ўқув юртларида ўрганиш бўйича махсус курс дастури ва услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур ва услубий қўлланма асосида қисқа муддатли махсус курс ташкил қилинди.

Жами 50 соатга мўлжалланган, маъруза ва амалий машғулотлардан иборат бўлган ушбу курсда юртбошимизнинг асари асосида ижтимоий ва гуманитар фан вакилларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш мақсад қилиб олинди. Семинар-машғулотларга ижтимоий фан вакиллари, республикада мавжуд барча вазирликлар тасарруфдаги олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари таклиф қилинди.

Семинар кунларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Р. Баҳодиров, В. Норов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, ички ишлар вазири ўринбосари Қ. Бурхонов ва бошқалар маъруза қилдилар.

Семинар якунлангач, тинловчиларга дастур ва услубий қўлланмалар ҳамда гувоҳномалар топширилди.

М. УМИРОВА.

«ПАХТА-97»



МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Дўстлик шаҳридаги Гагарин номидаги жамоа хўжалигида алмашлаб экин кенг жорий этилаётгани туфайли ҳосилдорлик илп сайин ошиб бораётти.



Хўжалик далалари воҳанинг кам ҳосилли ҳисобланган Питнак қишлоғи бағрида жойлашган. Аммо адирига сув келтириб, она-заминга меҳр бағишлаётган деҳқоннинг омади чопаяпти. Қўриқ ер деҳқонга ҳар йили юқори ҳосил ва мўма даромад инъом этаётти.

Бу йил хўжаликда Андижон технологияси кенг қўлланилди. Натижادا ҳосил эрта пишиб, йилнинг августининг иккинчи ўн кунлигидаёқ бошлаб юборилди. Саъй-ҳаракатлар қувончли самара берди. Хўжалик нафақат Хоразм вилояти, республикада биринчи бўлиб пахта сотиш юзасидан давлат буюртмасини ошириб удалади. Йилнинг охирида ҳосилнинг бариси фақат «аҳо» навларга қабул қилинди. Бу ютуққа, айниқса, О. Бобоҷонов, Р. Очилов, Х.

Отаҷонов, Я. Юсупов раҳбарлик қиладиган бригадалар пахтакорларни самарали ҳисса қўшиллар.

Хўжалик аҳли ялпи хирмон салмоғини 1000 тоннага, тектарлар самарадорлигини эса 45 центнерга етказмоқчи. Бу ҳосил сентябрь ойидаёқ тула йилга олинади. Бўшаган майдонларга эса кузги бўғдой экилади.

А. СОБИРОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: илпор бригада бошлиғи Отаҳон Бобоҷонова вилоятда биринчи бўлиб пахта таёрлаш режасини бажаргани учун «Нексия» автомобили билан тақдирланди; пудратчи Санам Юсупова фарзандлари билан.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олан суратлар.



МАЙДОНДА ТУФИЛГАН САДОҚАТ



Садокати бутун бир элнинг кунига ярай оладиган шахсларгина она юрт шўҳрати учун ўзидан беҳисоб саждалар сарфлай олади. Садокати инсонларгина Ватан шон-шавкати учун майдонга тушади.



Пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис мажмуида баробарида ёпиқ кортда италиялик Санталапре, Россиядан таширф буюрган Андрей Мериновга қарши ўйнади. Маҳорат, тажриба борасида бир-бирдан кескин фарқ қилмайдиган ушбу профессионаллар баҳси ҳам Оғоролов - Хювергер учрашуви сингари бор-йўғи икки бўлимдан иборат бўлди.

Кубок тақдирини ҳал қиладиган профессионаллар сони соат сайин камайиб бормоқда. Учрашувларнинг завқ-шавқи, гўзаллиги-ю, кишиларни мафтун эта оладиган нафосати муҳлисларни «ким голиб чиқар экан?» деган савол устида кунлаб бош қотиришга ундамоқда. Ушбу мусобақанинг яқингинада бўлиб ўтган баҳсларида томошабинларимиз катта ишонч билдирган икки юртдошимиз майдонга тушди. Улардан бири — «Президент кубоғи» мусобақасида қатор йиллардан буён қатнашиб келаятган Олег Оғоролов швейцариялик рақиб Иво Хювергерни енгилга муваффақ бўлди. Матбуот конференциясида журналистларнинг қуршовида қолган Оғоролов ҳар бир саволга мамнуният билан жавоб берди:

- Бу йилги «Президент кубоғи» мусобақасида сизнингча ким голиб чиқиши мумкин?
- Катташчиларнинг ҳар биттаси жуда катта тайёрларик кўриб келган. Куч-сизалардан кўра, кучлилар кўпроқ. Бас, шундай экан, катташчиларнинг аксарияти кубокни олишга ҳаққидир.

- Шаҳсан сиз ўз имкониятларингиздан келиб чиққан ҳолда нималарни кутаясиз?
- Қўйин савол. Ҳар битта ютуғим мени янада ажир ва чаққон рақибларимга дуч қилишини кутаяман. Мана бугун менга Хювергер рўпара бўлди. Эҳтимол кейинги ўйинлардан бирида Кафельниковга дуч келарман...

- Сизнингча бу йилги мусобақа ўтган йиллардагидан қандай фарқ қилмоқда?
- Катташчилар жудаям маҳоратли. Голибларни

тақдирлаш учун ажратилган мукофотлар миқдори ҳам илгариларидан кўп.

- Хювергер устидан қозонган галабанинг осон бўлдими?

- Корпта тушганда ҳар бир профессионал теннисчи шу кунгача бўлиб ўтган ҳар бир воқеани нутиши шарт. Шу жумладан, мен ҳам худди шундай қилдим. Айтишим мумкинки, Хювергерни енгилшим ўзим ўйлагандек осон бўлмади.

Матбуот конференцияси баробарида ёпиқ кортда италиялик Санталапре, Россиядан таширф буюрган Андрей Мериновга қарши ўйнади. Маҳорат, тажриба борасида бир-бирдан кескин фарқ қилмайдиган ушбу профессионаллар баҳси ҳам Оғоролов - Хювергер учрашуви сингари бор-йўғи икки бўлимдан иборат бўлди.



рат бўлди. 6/4, 6/3 натижа билан Санталапре фойдасига тулади.

Англиялик Тим Хенмен ва франциялик Тьерру Чемпион баҳси икки ярим соат давом этган бўлса-да, муҳлислар ва мутахассислар зерикиб қолмади. Ҳамма уларнинг учрашувини янада кўпроқ вақтга қўзилишини кутиб турарди.

Тим Хенменнинг теннис тўпини маҳорат билан очколар келтирадиган катакка тушириши Чемпионни бутунлай довлдиратиб қўйди. Шундай вазиятлар ҳам бўлдики, Хенмен бир йўла тўрт-беш зарба билан қаторлаштириб очколар йиға бошлади. Кейинчалик Чемпионнинг ўйинида ҳам бироз силжиш бўлди. Ниҳоят дастлабки икки бўлим 6/4, 6/7 (6) ҳисоби билан рақибларга биттадан галаба келтирди. Сўнги чиқишда эса, 7/6 (4) ҳисоби қайд қилиниб, англиялик 23 ёшли Тим Хенмен навбатдаги босқичга бериладиган йўлланмани қўлга киритди.

Очиқ кортда ўтказилган Александр Волков (Россия) - Кеннеч Карлсен (Дания) мусобақаси кўпчилик ўйлагандек, Волковга галаба келтирди - 6/4, 1/6, 6/3.

Бугунги шарҳимизга биз «Майдонда тузилган садокат»

дея бежиз сарлавҳа қўймадик. Чунки «Президент кубоғи»га қатнашиш учун келган барча спортчиларнинг ўз Ватанларига бўлган садокати 9 сентябрь кун яна бир бор қайта туғилди. «Юнусобод» теннис мажмуида ўйинларни томоша қилиш учун ушбу мусобақа асосчиси Ислам Каримов шахсан таширф буюрганди. Бевосята кубок асосчиси қаршиида кортга чиқиб баҳслашиш профессионалларига ҳам осон кечмади. Балки, шунинг учун ҳам Тим Хенмен - Тьерру Чемпион учрашуви нақд икки ярим соатга қўзилганлиги...

9 сентябрь кунги ёпиқ кортда ўтказилган «Президент кубоғи» бешлашувида дунёга машҳур россиялик Евгений Кафельников тақлиф қилинди. Узун бўйли, қотмадан келган Евгений ўзига хос дандиллик ва ишонч билан кортга тушди. Энг сўнги маълумотларга қараганда, дунё профессионал теннисчилар



таснифи бўйича 2693 очко жамғарган ҳолда тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Евгений Кафельниковга мос тушадиган рақиб ундан тажриба борасида бироз фарқ қилса-да, саралаш учрашувларини катта устулик билан ўтказган ўзбекистонлик Дмитрий Томашевич эканлиги бундан бир неча кун олдин аниқланган эди.

Учрашув ҳар иккала теннисчи учун ҳам қўшилмаган ҳис-ҳиссон ила бўлганлиги. Дастлаб Кафельников қаторасига тўрт очко олди. Шундан, сўнг Томашевич ҳам шиндат билан очко жамғаришга киришди. Таҳминан 18-20 дақиқа ичида ҳисобини тенглаштиришга эришти - 4/4.

Кафельниковнинг Томашевичдан устун жиҳати шунда эдики, у майдоннинг ҳамма томонини аниқ-равшан кўра билди. Теннис тўпини ҳар қандай масофадан туриб бемалол қўзлаган нуқтагаги тушираолди. Унинг натижасидан қатъий назар, ақл нродасига танииб, шошмасдан иш қўриш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам дастлабки бўлим 6/4 натижа билан Кафельников фойдасига ҳал бўлди.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Холхўжа бригада аъзоларига одатдагидай эрталабди топиришни бериб бўлиб, қўшни бригадани ишловчи ёш бир мутахассиснинг аризаси юзасидан бошқармага ўтиб келишга тараддуллини турганида (бу бошқарма қасаба уюшмасининг раиси-да) трест бошқарувчисининг ҳайдовчиси сўроқлаб келиб қолди.

- Тинчликми? - деди шофёр йилит билан сўрашар экан. - Ёки ҳар лонимгидай бирор мажлис-нажисдан дарақ топиб келдингми?
- Унисини билмадим. Лекин сизни ҳозирок корпорация раисининг ҳузурига олиб боришим керак. Топшириқ шунақа!

- Табриклайман, ука! Юксак унвон муборак бўлсин!
- Тўшунмадим...
- Мана шунақа-да. Газета ўқиш керак, газета!
Кейин ортга қайтиб иш столи устидаги газетани қўлга олди-да, овозини баланд

- Йўқ, тополмадинг!
- Трестами?!
- Яна тополмадинг!
- Унда ўзингиз айтиб қўя-қолинг, ака.
- Мен «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлдим.
- Ростдан-ми? Қойил... Табриклайман, ака!
- Раҳмат.
- Унда уйингизга ҳайдай қолай. Биринчи бўлиб суюнчини ўзим олдим.
- Суюнчини олдим, деб ҳисоблайман. Аммо ҳозир тўғри «объект»га ҳайдай...
Дунёнинг ишлари қизик

сувоқчилар бригадасининг бошлиғи. Биринчи мукофотни ҳам 1981 йили раҳматлик Шароф Рашидовнинг қўлидан олган эди. Ушанда яхши ишлаганилиги учун «Москвич» автомашинаси беришганди. 1989 йилда эса мукофотга «ВАЗ 2106» машинасини ажратилди. Ушанда ҳам август ойи эди. Бу сарфаргиси ҳаммасидан аъло бўлди. Улуғ байрам арафасида давлатимизнинг энг улуғ мукофоти билан тақдирланди. Бунақаси ҳаётда бир марта бўлади...



УСТАНИНГ ЎҒЛИ

қилиб ўқий бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони! Холхўжа Мукаррамович Умаровга... «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилсин!.. Холхўжа салобатли хона ўртасида унсиз туриб қолди. Бироздан сўнг ўзига келиб, «ростданми?», деёлди, холос.

- Раҳмат ука, - деди раис унинг елкасига қоқиб. - Бугун корпорация номидан раҳмат!

... Холхўжа пастта тушди. Ҳалиги машина йўлак ёнида турган экан. Олдидан ўтиб кетаётгани, шофёр йилит тўхтатди.

- Утиринг ака, яна жойингизга обориб қўйишим керак. - А-а...

Холхўжа индамай яна машинага чиқди. Бироз юришгач, ёнига ўтирилиб шофёрга қаради.

- Мени табриклашнинг мумкин...

- У-ху, нима билан. Бошқармага бошлиқ бўлдингизми?

экан. У кечагина олдий одам эди. Бугун эса - Қаҳрамон. Ҳали унга қандай ҳолатда кириб боради? Хотини Людмила, ўғли Баҳром, қизи Барно қандай кутиб олишар экан? Янгиландан хабар топишган бўлса Мукаррам ота билан Хаттира ая ҳам ўғлини келиб ўтиришгандир. Айтмоқчи, бугун Баҳромнинг турилган кун. Опаси, сингиллари, укаси келишмоқчиди. Бугун роса байрам бўладиган бўлди-да ўзим...

Холхўжа азалдан август ойини яхши кўради. Чунки иш бошлабдики, энг қувончли кунлари мана шу ойга тўғри келади. Аслида иш фаолиятини ҳам августдан бошлаган. Ушанда ўқишга қиролмай, отаси Мукаррам устага шогирд тушганди. Шу-шу қурилишда қўлиб кетди. Мана 23 йилдирки, «Тошмаҳсуспардозқурилиш» трестининг (ҳозир ҳиссасдорлик жамияти) 42-қурилиш бошқармасида ишлайди. 22 йилдан бери

Умуман олганда, Холхўжа ота касбини танабл сира кам бўлмади. Қўли гул уста республикадаги энг йилрик қурилишларда иштирок этди. Жиззахдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройи, Бойтепа, Ибн Сино мавзелиридаги турар-жой бинолари, Юнусободдаги теннис корти, Темирайлар тарихи давлат музейи, янги ҳайвонот боғи... Булар энг машҳурлари. Агар уларни бир бошдан санайверса, ҳатто ўзи ҳам ҳисобдан адашиб кетади.

...Холхўжа уйига келганда одатдагидай қоронғи тушиб қолганди. Ички бир ҳаяжон билан кўнроқ тугмасини босди. Сал ўтмай эшик очилди. Остонада ўғли Баҳром кучоқ очиб турарди. Уй тўла одам эди...

Олод РАҲАБОВ,
Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИЛОВУЗИ»

Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ҳамда республикамизнинг «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Туркияда «Ўзбекистон қиловузи» («Ўзбекистон ҳақида маълумотнома») номида китоб нашр этилди. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, юртидагиди муқаддас қадимотлар, бу ерда хорижлик сармоюдорлар учун яратилган шароитлар, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳақидаги қонунлар ва бошқа қўлаб маълумотларни ўзида муҳасасам этган ушбу китоб Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб чоп қилинган.

Онаўли ахборот мақамасининг хабар беришича, 290 саҳифалик мазкур китобдан ўзбек халқининг машҳур мақоллари, қадимий шаҳарларимиз хариталари, шунингдек, Ўзбекистоннинг мафтункор табиятини намоён этувчи ранг-баранг суратлар ҳам жой олган. «Шубҳа йўқки, «Ўзбекистон қиловузи» нафақат турк ишбилармонлари, балки, туркилик сийёҳларининг ҳам Ўзбекистонга қизиқишини янада орттиради», дейилади бу ҳақдаги хабарда.

(ЎЗА).

ИККИ МИНГ БЕШ ЮЗ КАДАМ

йўл босиб, Хива истиклолимизга пешвоз чиқди



ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

туфайли одамларнинг мулкка бўлган ишончларига путур етаяпти

4-бет

Кўз ёшдай МУСАФОФ

ҚАДИМИЙ КҮЛЭЗМАЛАР КҮРГАЗМАСИ

● МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ -- ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Фармони эълон қилинганига бир йил тўлди. Ана шу вақт мобайнида мамлакатимизда бу соҳада улкан ишлар бажарилди. Хўш, Фармонда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, маънавиятни юксалтириш, неча минг йиллик маданиятимиз, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг унутулмаган урф-одатларини тиклаш борасида Жиззах вилоятида нима қилинмоқда?

Биз республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи, профессор Урол Носировдан ана шу ҳақда сўзлаб беришни сўрадик.

-- Одам умрини агар дарахтга қисласак, унинг мазмунини, ўқ илдизи маънавиятдир. Илдизи соғлом ва бақувват дарахтнинг бўйи ҳам, меваси ҳам ўзгача бўлгани каби маънавият бўй инсоннинг ҳаёти йўли ҳам сермазмун, шижоатли, самарали бўлади. Инсон қамолатининг муҳим омил бўлган маънавият ҳар бир шахс, халқ, миллат ва жамятга баркамоллик бағишлайди.

Асримизнинг сўнги ўн йиллигида мустақилликка эришган давлатлар орасида Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бизнинг Ватанимиздаги маънавият ва маърифат ишларида жойларда биринчи раҳбарларнинг масъул эканлиги йўлбошчимиз Фармони билан мустақамланди.

Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк сиймолар мақбараларини зиёрат қилишга олиб борилди.

Бўлимиз ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Фаллаорол туманларида этнографик ва бадиий ҳаваскорларнинг кўриқлари ташкил этиляпти. Бу борда вилоят ҳокимлиги эълон қилган «Ободончилик, маданият ва санъат кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарор муҳим аҳамиятга эга бўлди. Танлов ғолибларини аниқлашда жойларда озодалик, кўчат экиш, боғ барпо этиш, маҳаллаларда гузарлар яратиш, миллий услубда дам олиш жойлари қуриш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, бойитиш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор берилди. Уларни рағбатлантириш мақсадида «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари, телевизор, видеомагнитофон каби қimmatбаҳо совғалар ва пул мукофотлари таъсис этилган.

Ана шу сазой-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Жиззах шаҳри, Фаллаорол, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Зомин туманларида жуда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Жиззах шаҳри марказида 8 гектар майдонни эгаллаган «Маънавият ва маърифат» мажмуи барпо этилмоқда. Унинг таркиби-

га халқ ижодиёти уйи, ҳунармандчилик маркази, Нуронийлар чойхонаси, Бахт уйи каби бир неча иншоотлар кирди. Бу жой халқ орасида «Маънавият боғи» номини олгани бизни қувонтиради.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Бўлим қошида ташкил этилган «Умид» лицейида илк талабалар тахсил ола бошлади.

Вилоят бўлими вақтли матбуот, телевидение ва радио тахририятлари билан яқин алоқада фаолият кўрсатмоқда. Улар билан яқин ҳамкорликда маънавий қадриятларимизни тиклаш, вилоят тарихининг янги саҳифаларини яратиш, мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган муҳим воқеалар бўйича суҳбатлар, маърузалар, кўрсатувлар ташкил этиляпти.

Катта тантана билан нишонланган мустақиллигимизнинг олти йиллиги байрами халқимиз онгида, маънавиятида юз бераётган ўзгаришларни яна бир қарар намойиш этди. Хибсон ва кўчаларни, майдонларни тўлдирган ҳамюртларимиз Ўзбекистон атлантик мустақил Ватанимиздан фахрланиш, истиклол ғояларига садоқат туйғуларини изҳор этдилар. Бу, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётни ривожлантириш, маънавиятни юксалтириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ишларнинг амалий натижасидир.

ЎЗА мухбири йўлчи ЖўРА суҳбатлашди.



«Намуна» жамоа ҳужалиги Бағдод туманидаги пешқадам ҳўжалиқлардан бири ҳисобланади. Жамоа ўтган йили туманда биринчи бўлиб режани бажарган эди. Бу йил ҳам шу анъанага содиқ қолиб пахта терimini биринчи бўлиб бошлади.

СУРАТДА: чевар теримчи Насиба Сатторова. У қўнига 170--200 килограмдан пахта термоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олам сурат.

● ШАРҚ МАНЗИЛЛАРИДА ЯПОНИЯНИ БЕПУЛ «ТОМОША» ҚИЛАСИЗ

12 сентябрда Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари бошланади

Япония жаҳонни ҳайратга солаётган мамлакатдир. Дунёда ҳеч бир инсон йўқки, япон машинасозлиги, электроника, асбобсозлик маҳсулотлари ва ютуқларидан хабардор бўлмасин. Бундай муваффақиятларга Кунчиқар мамлакат ҳар бир фуқаросининг матонатли меҳнатлари ва сазой-ҳаракатлари туйғайли эришилган.

Маданият -- бу ўтмиш ва бугунги кунни, бугунги кун билан келажакни туташтирадиган, дунёнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, мамлакат ва халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган кўриқдир. Энг муҳими эса эзулик ва яратувчиликка асосланган руҳий ибтидо ва маданий пойдворнинг умумийлигидир.

Япония билан Ўзбекистонни минглаб чакирим йўллар ажратиб туришига қарамадан улар бир-бирига кўп жиҳатлари билан ўхшаيدир. «Икисана», «Кимоно», «каратэ», «айкидо» каби япон ишоралари кундалик ҳаётимизда ишлатилган суҳбат қаторидан жой олган.

Япония билан Ўзбекистонни минглаб чакирим йўллар ажратиб туришига қарамадан улар бир-бирига кўп жиҳатлари билан ўхшаيدир. «Икисана», «Кимоно», «каратэ», «айкидо» каби япон ишоралари кундалик ҳаётимизда ишлатилган суҳбат қаторидан жой олган.

Шу йилнинг сентябрь ойи икки халқ маданий алоқалари тарихида янги саҳифа очади. 12 сентябрда Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари очилади.

Расман у пойтахтда япон боғи барпо этиш билан боғлиқ. Бу боғ учун доимо гавжум ва шаҳарликларнинг севимли гўшаси «Тошкентленд» ҳудудидан жой ажратилган. У ерда девяри бутун япон табииоти акс эттирувчи дарахтлар ва гуллар жамул-жам бўлади.

Республика Киночилар уйида япон кино иҳодкорлари томонидан яратилган бадиий фильмлар кинофестивали бўлиб ўтади. Тошкентлик томошабинлар япон кинематографлари яратган бешта бадиий ва бешта мультфильмни кинофестивалида кўришлари мумкин.

МАРКАЗИЙ БАНҚДА УЧРАШУВ

9 сентябрь кунини мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япониянинг «Кэдай Доюкай» компаниялари раҳбарлари гуруҳи президенти Кичио Минагучи бошчилигидаги бир гуруҳ ишбилармонлар республика Марказий банкида бўлди.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов меҳмонларга Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда республикамиз Марказий банки юртайётган пул-кредит сиёсати, чет эллик ишбилармонлар сармояларига яратилган қафолатлар, бандалар фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Жаноб К. Минагучи Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда банкларнинг муҳим ўрни тутиши ҳусусида тўхталиб, бу соҳада Ўзбекистонда олиб борилаётган пул-молия сиёсати чет эллик сармоядорларга манзур бўлаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистондаги янги ишлаб чиқариш иншоотларини маблаг билан таъминлашда ҳамкорлик масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎЗА).



Китоб шайхнинг Генерал Жўрабеков кўчасида истиқомат қилаётган уста Файзулло Абдуллаевнинг етти пушти кўлолчилик билан шуғулланган. Ўз навбатида, Файзулло бобо ҳам отамерос юмуши давом эттириб, ризқ-насибаси бутун бўлди. «Оққан дарё оқайди», деданларидек, Файзулло бобо ўз касби сир-асрорларини фарзандлари, невараларига ўратиб бораёпти.

● ОФРИҚЛИ НУҚТАЛАР

Республикамизда кимошди савдоси бундан 3 йил муқаддам биринчи бўлиб Наманганда бўлиб ўтган. Шундан бўйиб вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилиб келмоқда.

Биринчи бўлиш, мабодо унинг уадасидан чиқолмас, пешқадамлар рўйхатидан тушиб қолмасликка ҳаракат қилиш яхши. Лекин... Пешқадам бўлишнинг икки йўли бор: биринчиси, барча ишларни қойил қилиб, чинакам маънода илғор бўлиш. Иккинчиси эса, қандай қилиб бўлмасин, яъни мавжуд тартиб-қоидаларни бузиб бўлса-да, кўр-кўрона иш юритиб, номигагина пешқадам бўлишдир. Афсуски, вилоят бошқармаси иккинчи йўлни танлади. Оқибатда кейинги йилларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида қўллаб-қувватлаш, норозиликлар ву-жудга кела бошлади.

Ачинарлики шундаки, нуфузли идоранинг қўллаб-қувватлаши ҳўжалик суди аралашуви билан бекор қилинмоқда. Масалан, шу йилнинг дастлабки 5 ойида вилоят ҳўжалик суди томонидан бошқарма фаолиятига оид 4 та иш кўриб чиқилди. Шундан 3 тасида бошқарма ҳодимларининг маъмуриятсизлиги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида юзакчиликка йўл қўйилгани маълум бўлди.

Жумладан, Наманган шаҳар Усмон Носир кўчасида жойлашган вилает «Дори-дармон» ишлаб чиқариш бир-лашмаси тасарруфидати икки қаватли 5-уй бир вақтинг Уйда шу бинода жойлашган санитария-гигиена дорихонаси дўкони мудири Ю. Юсупова ва қасалхоналараро дорихона, иккинчиси эса «У. Носир кўчаси, 5-уйда жойлашган» 5-санитария-гигиена дўкони», деб ёзилган. Унда бинонинг қайси қавати ёки қанча майдонни қимга тегишли эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳолбуки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий санаот, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларида

лашган» 5-санитария-гигиена дўкони», деб ёзилган. Унда бинонинг қайси қавати ёки қанча майдонни қимга тегишли эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳолбуки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий санаот, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларида

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАГИ ЧАЛҚАШЛИКЛАР туйғайли одамларнинг мулкка бўлган ишончлариغا путур етаяпти

муаммолар, низолар авж олаб кетди. Охир-оқибат «Соғом авлод учун» ҳиссадорлик жамияти Ю. Юсупова берилган мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат орденини бекор қилишни ва уни бинодан чиқаришни сўраб ҳўжалик судига мурожаат қилди.

Суд мोजарони ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқди ва бу ерда ҳар икки мулкдорнинг ҳам айби йўқ, деган қарорга келди. Негакки, давлат тасарруфидати бино бошқарма томонидан пухта ўрганилмай, зарур ҳужжатлар тўла расмийлаштирилмай туриб, сотиб юборилган. Ҳар икки мулкдорга мулкнинг ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилган. Ушбу ордерларнинг бирига «У. Носир кўчаси, 5-уйда жойлашган» 2-қасалхоналараро дорихона, иккинчиси эса «У. Носир кўчаси, 5-уйда жойлашган» 5-санитария-гигиена дўкони», деб ёзилган.

«антиқа» иши ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Наманган шаҳар «Ҳамза» маҳалласида жойлашган, шу маҳалла фуқаролари йигини тасарруфидати 29-савдо дўкони биноси Х. Муҳитдиновга сотиб юборилган. Ҳолбуки, дўкон биноси жамоа мулки, яъни у маҳалла фуқаролари томонидан ҳашар йўли билан қурилган. Бу масала ҳам узоқ тортишувларга, сарсонгарчиликларга сабаб бўлди. Ниҳоят суд жараёнида хусусийлаштириш бошқармаси ҳодимлари «Биз мулкдорга бинони эмас, унинг ичидидаги металл вешелка, стол-стул ва пештахта каби жиҳозларни сотганимиз», дея кўрсатма беришди. Аслида эса, Муҳитдинов номига берилган 4067-давлат ордерида «29-сон дўкон», деб ёзилган. Бу номуаносибликни қандай тушуниш мумкин, деган саволга бошқарма бўлим бошлиғи И. Гайбуллаев: «Ордер ёзишда бепарволик қилинган», дея изох берди. Айни пайтда бу муаммо ҳали ҳам ўз ечимини топгани йўқ. Х. Муҳитдинов мен жиҳозларни эмас, дўконни сотиб олганман, деб жўрибди. Унинг қўлидаги мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери буни тасдиқламоқда. Маҳалла фуқаролари йигини эса, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш тўхтаб қолмасин, деган анидашга бориб, бошқарманинг нотўғри қарори билан муроса қилиб келмоқда.

Хўш, хусусийлаштиришдек маъсулиятни ишда бундай чалқашликларга йўл қўйилаётганининг сабаби нимада? Бизнингча, бепарволик ва ўзибўларчиликда! Зеро хусусийлаштириш учун маъсул ҳисобланган нуфузли идора бундай чалқашликларга асло йўл қўйиши мумкин эмас.

● НИМА ДЕЙСИЗ?

ЧИРЧИҚДА БИР БОЗОР БОР...

«Таърифи»ни айтсам, ишонмайсиз. Бу ёши Ўзбекистоннинг ҳамма жойида бозорлар гурираётган бир пайтда, Чирчиқда...

Унга кирсангиз дилингиз ҳуфтон бўлади. Дарвозадан ичкарига қадам қўйишнинг билан уйилиб ётган ахлатхонага дуч келасиз. Сасиқ, қўланса ҳид лимонгизга урилади. Бозор тўрнини деҳқон эмас, бир гуруҳ чайқовчилар эгаллаб олишган. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ортлган транспортлар бозорга яқинлашиши билан олибсатарлар чўққонлик билан ўраб олишди.

Бу ерга мустақкам «уя» қуриб олган бундай қимсаларнинг муштунини пишт, дейдиган мардининг ўзи йўқ. Аслида бозор бироз гариброқ бўлса-да, аҳвол авваллари бу даражада эмасди. Усманбой Омонбоев раҳбар бўлиб келди-ю, таъмирлаш баҳонасида савдо расталарини ағдартириб қилиб юборди. Аҳоли этрозига қўлоқ солмай, Ҳўлириб ташлади. Янгисини қуришга келганда эса бузишдаги «гайрат»нинг юздан бири ҳам қўринмапти. Чиптачилар бўлса сира уялмай ерда ўтириб савдо қилаётганлардан пул йигиш билан овора. Шаҳардаги маъмурий идоралар ва бошқа мутасаддилар эса бепарволик қилишяпти.

Чирчиқ мамлакатимиздаги санаоти гурираган, обод ва кўркам шаҳарлардан бири. Оруннинг деҳқон бозори ҳам шаҳримиздек озода ва тартибли, сотувчи яратилган шариотдан, олувчи эса баракали хариждан мамнун бўлса...

Рўзимат ДАМИНОВ.

● ЁРИТИЛГАН МАВЗУГА ҚАЙТИБ «Тўқнашув»

(«Халқ сўзи», 1997 йил, 3 апрель).

Шу ном остида газетада эълон қилинган мақолада «Навийоктранс-34» ҳиссадорлик жамияти фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди. Мақола юзасидан тахририятга телеграмма ва расмий жавоблар келди.

Газета долзарб муаммони кўтаргани, сунистеъмолчилик илатлари фош этилгани уларида қайд этилган. Шу билан бирга, мақола муаллифи баъзи бир ўринларда масалага ноҳолис ендюшгани, айрим ҳужжатлардан фойдаланишга эътиборсизлик қилгани айтилади.

Жумладан, Навоий вилоят ҳокими Х.Гафоров имзоси билан тахририятимизга келган хатда шундай дейилади: «Биринчи навбатда шунини айтиш керакки, мақола муаллифи келтирган фактларнинг барчаси 34-автокорхона ҳодимлари шикоят бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тошпириғига биноан «Ўзавтотранс» корпорацияси назорат-тафтиш бошқармасининг 1996 йил 2 сентябрда ўтказган текширув материалларидан олинган.

«Ўзавтотранс» корпорациясининг маъмур текшируви натижалари бўйича қонунбузарликка йўл қўйган ҳар бир ҳодим буғриқ билан тегишли жаосини олган.

Бундан ташқари вилоят ҳокимияти талабига мувофиқ, маънавий муҳитни соғомлаштириш мақсадида аввал «Навий-автотранс», кейинчалик 34-автокорхона раҳбарлари қўйи вазифаларга ўтказилди.

Шунга қарамадан, мухбир ўз мақоласида орадан бир неча ойлар ўтса-да, ўша одамларни олдинги қилмишлари учун қайтадан айблади...

Фактларга мурожаат этайлик. Мақолада шундай дейилади: «Э. Примов белни маҳкам боғлаб ишга киришди-ю, «катта»ларга бўлган садюватини жамоа ва давлат мулки саналмиш итмиёзди акцияларни уларига тузфа этишдан бошлади». Шундан сўнг 34-автокорхона ҳодимлари шикоятини текшириш ҳўжжатлари бўйича юқорида тилга олинган маълумотномада кўрсатилган акциялар рўйхатини келтиради... Маъмур акциялар атрофида эътиросларни кучайтириш учун муаллиф корпорация назорат-тафтиш бошқармаси маълумотномасидан охиригача қўйрма келтиришни «унутиб» қўйди. Унинг давомида шундай гаплар бор эди: «Текширишга тақдим этилган 121,133-сонли тўлов ведомостларига кўра, юқоридаги раҳбарларга итмиёзди акциялар бўйича дивидендлар берилмаган».

Тахририят маъмур хатта даҳлдор ҳўжжатларини ўрганиб чиқиб, мухбир Ш. Каримов ҳақиқатан ҳам, маълумотномага эътиборсизлик билан қараганини, натижада асосиз фикр газетада чиқиб кетганини аниқлади. Унга маъмурий жаоз берилди.

ЯДРО ФИЗИКАСИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Самарқандда ядро физикаси муаммоларига бағишланган илмий-назарий анжуман иш бошлади. Анжуманда Америка Қўшма Штатлари, Италия, Бельгия, Туркия, Россия ва қатор бошқа мамлакатлардан келган олимлар, тажрибали мутахассислар иштирок этмоқда. Улар уч кун давомида соҳанинг долзарб муаммолари, ядро физикасининг назарий ва амалий йўналишлари ҳақида маърузалар ўқиб, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадилар.

САРМОЯ ВА ИНТЕГРАЦИЯ

Бир неча йилдирки, Шарқий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатлари, шунингдек, МДХ мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро интеграциялашув жараёни кечаётир. Улар танлаган йўл бир-биридан маълум томонлари билан фарқлана-да, мақсад битта -- иқтисодий юксалиш.

Иқтисодиёт эса ўз-ўзидан ривожланмайди. Унинг маълум шартлари мавжуд. Биринчиси, арзон ва сифатли маҳсулот чиқариш, ундан тушган маблагни ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга қаратишдир. Бу унчаллик осон ва қисқа вақтда амалга ошадиган иш эмас. Зеро, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш катта сарф-харajatларни талаб қилади.

Яқинда Лондонда чиқадиган «Финнэшл таймс» газетаси Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ҳамда МДХ мамлакатларига киритилган хорижий сармоялар ҳақида мақола эълон қилди. Унда ёзилишича, 1989 йилдан то 1996 йилгача МДХ давлатлари иқтисодиётига 11 миллиард 231 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий сармоя жалб қилинган. Бироқ биргина Венгрияга киритилган сармоя миқдори билан таққосланганда, бу рақам у қадар салмоқли эмаслигини кўриш мумкин. Уттан давр мобайнида Венгрия ўз иқтисодиётига 13 миллиард 266 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий сармоя жалб қилган.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига киритилган сармоянинг умумий миқдори 1986-96 йиллар мобайнида 30 миллиард 708 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Сармояларнинг самараси жиҳатидан қаралганда, Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари Россия, Украина ҳамда Белорусияга нисбатан анча катта имкониятларга эга эканини намойиш этмоқда. Масалан, уттан йили Россияга киритилган хорижий сармоя бор-йўғи 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Бу эса Шарқий ва Марказий Европа давлатлари иқтисодиётига жалб этилаётган сармоя миқдоридан анча кам. Бу ҳолнинг муҳим сабабларидан бири мамлакатдаги маҳаллий компанияларнинг ўз капиталини хорижий банкларда сақлаши ҳамда фуқароларнинг топган рублларини эркин валютага алмаштириб, ёстиқ остига беркитиш ҳолларининг кўпчилиги билан изоҳланади.

Болтиқбўйи давлатларининг Европага «қинлиги» ҳамда бу минтақада иқтисодий инфратузилманинг ривожлангани мазкур давлатларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасининг тез кўзга ташланишига имкон беради. Хозирда Болтиқбўйи давлатлари иқтисодиётини юртовчи асосий куч савдо-сотик бўлиб қолмоқда. Маълумки, мазкур мамлакатлар 5 йirik денгиз портига эга. Уттан йили ушбу портлар орқали 45 миллион тонна юк утган. Бу 1995 йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир. 1989-96 йиллар мобайнида Эстонияга 707, Литвага 548, Литвага эса 308 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий сармоя киритилди.

Мазкур мамлакатларга киритилаётган сармояларнинг аксарият қисми Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки каби дунёнинг йirik халқаро молия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Масалан, Жаҳон банкининг 1992-96 йилларда МДХ давлатларига ажратган қарзи 20 миллиард АҚШ долларага етган.

Шарқий ва Марказий Европа давлатлари иқтисодиётига жалб этилаётган сармояларда хусусий сармоядорларнинг улуши ҳам оз эмас. Халқаро молия институтининг ҳисоб-китобига қараганда, 1992 йили мазкур ҳудудга 14,6 миллиард АҚШ доллари миқдорда хусусий сармоя киритилган.

Маълумки, жаҳон бозори қамровининг кенгайиши ҳамда коммуналқиянинг тараққиёт этиши натижасида транспорт воситаларининг аҳамияти ҳам ортиб бораётир. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги пайтда енгил автомобиль ва ҳаво транспортга талаб ошиб бормоқда. Табиийки, бундай шароитда эскирган транспорт тармоқларини таъмирлаш, уни кенгайтириш зарурати туғилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, Марказий ва Шарқий Европа минтақасида мазкур соҳани ривожлантириш учун қарийб 100 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблаг талаб қилинар экан.

Сармоядорлар алоҳида эътибор қаратаётган яна бир муҳим соҳалардан бири, энергетика, газ ва нефть саноатидир. Шу сабабли ҳам, мутахассислар ушбу минтақада мазкур соҳаларга сармоя жалб этиш бундан кейин ҳам кўпаяверади, деган фикрни билдирмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон бозори кенгайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётга хорижий сармояларнинг жалб этишининг аҳамияти бекиёди. Зеро, бу амалиёт нафақат сармоядорнинг ўзи ёки сармоя жалб қилинаётган мамлакатда фойда келтиради, балки ишлаб чиқаришининг халқаро миқёсда аҳамият касб этиши, маҳсулот сифатининг ошиши, пировард натижада маҳаллий иқтисодиётнинг халқаро интеграциялашув томон ҳаракат қилишига имкон яратади. Асосий гап эса жалб қилинаётган сармоялар учун зарур ҳуқуқий мезонларни яратиш ва сармоядан имкон қадар унумли фойдаланишдир.

Узоққа бормайлик, биргина Ўзбекистонда утган қисқа вақт ичида автомобилсозлик, нефть-газ, тўқимачилик, энергетика, коммуникация каби иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланган соҳалардаги саноат мажмуаларининг хорижий сармоядорлар иштирокида барпо этилгани фикримизга далил бўла олади. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фақат мамлакатимизнинг ички эҳтиёжини қондириб қолаётгани йўқ. Уларнинг катта қисми хорижий бозорларда ҳам ўз ўрнини топмоқда. Бу Ватанимиз иқтисодий салоҳияти ва халқимизнинг фаровонлигини ошириш билан бирга Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига янада фаол иштирок этиши, унинг халқаро интеграциялашувини жаддаллаштиришга имкон беради.

